

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот технологияси**

**АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШДА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ  
ТУРЛАРИ, КОМПЛЕКТЛИГИ ВА БЕЛГИЛАНИШИ**

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифиқатлаштириш  
агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 14.06.2018даги 05-964-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

## 4 O‘z DSt 1985:2010 ЎРНИГА

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичидан эълон қилинади

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ хуқуқига эга

## **Мундарижа**

|   |                                    |    |
|---|------------------------------------|----|
| 1 | Қўллаш соҳаси.....                 | 1  |
| 2 | Норматив ҳаволалар.....            | 1  |
| 3 | Атамалар ва таърифлар .....        | 2  |
| 4 | Умумий қоидалар .....              | 3  |
| 5 | Хужжатларнинг турлари ва номи..... | 4  |
| 6 | Хужжатлар комплектлиги .....       | 10 |
| 7 | Хужжатларнинг белгиланиши .....    | 10 |
|   | Библиография .....                 | 12 |



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг давлат стандарти

### Ахборот технологияси АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШДА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, КОМПЛЕКТЛИГИ ВА БЕЛГИЛАНИШИ

### Информационная технология ВИДЫ, КОМПЛЕКТНОСТЬ И ОБОЗНАЧЕНИЕ ДОКУМЕНТОВ ПРИ СОЗДАНИИ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ

Information technology. Types, sets and indication of documents for information systems design

Киритиш санаси 22.06.2018

#### 1 Қўллаш соҳаси

Стандарт ахборот тизимини (АТ) яратиш босқичларида ишлаб чиқиладиган ҳужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланишини белгилайди.

Ушбу стандартда белгиланадиган талаблар ахборот тизимларини яратишда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари томонидан қўлланиши мажбурийдир.

#### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қўйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 2.102-2013 Единая система конструкторской документации. Виды и комплектность конструкторских документов

ГОСТ 2.601-2013 Единая система конструкторской документации. Эксплуатационные документы

ГОСТ 19.101-77 Единая система программной документации. Виды программ и программных документов

ГОСТ 19.202-78 Единая система программной документации. Спецификация. Требования к содержанию и оформлению

ГОСТ 19.301-2000 Единая система программной документации. Программа и методика испытаний. Требования к содержанию и оформлению и контролю качества

ГОСТ 19.401-2000 Единая система программной документации. Текст программы. Требования к содержанию и оформлению и контролю качества

ГОСТ 19.402-2000 Единая система программной документации. Описание программы. Требования к содержанию и оформлению и контролю качества

ГОСТ 19.404-79 Единая система программной документации. Пояснительная записка. Требования к содержанию и оформлению

ГОСТ 19.502-78 Единая система программной документации. Описание применения. Требования к содержанию и оформлению

ГОСТ 19.504-79 Единая система программной документации. Руководство программиста. Требования к содержанию и оформлению

ГОСТ 19.505-79 Единая система программной документации. Руководство оператора. Требования к содержанию и оформлению

ГОСТ 19.506-79 Единая система программной документации. Описание языка. Требования к содержанию и оформлению

ГОСТ 19.507-79 Единая система программной документации. Ведомость эксплуатационных документов

ГОСТ 19.508-79 Единая система программной документации. Руководство по техническому обслуживанию. Требования к содержанию и оформлению

О‘з DSt 1047:2003 Ахборот технологиялари. Атамалар ва таърифлар

О‘з DSt 1987:201\_ Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ

О‘з DSt ISO/IEC 12207:2018 Ахборот технологияси. Дастурый таъминот ҳаётий циклининг жараёнлари

О‘з DSt ISO/IEC 25051:2008 Дастурый таъминотини ишлаб чиқариш. Дастурый маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ва уни баҳолаш (SQuaRE). Тайер тижорат дастурый маҳсулот (COTS) сифатига қўйиладиган талаблар ва синовлар бўйича йўриқномалар

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон худудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган хужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган хужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллукли бўлмаган қисмида қўлланилади.

### 3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда О‘з DSt ISO/IEC 12207, О‘з DSt 1047 бўйича атамалар, шунингдек тегишли таърифлари билан қуидаги атамалар қўлланилган:

3.1 **АТ учун хужжатлар:** АТни яратиш ва ишлашига тааллукли барча қарорлар тўлиқ тавсифланган, ўзаро боғланган хужжатлар,

шунингдек АТнинг техник топшириқ талабларига мувофиқлигини ва унинг эксплуатация қилишга тайёрлигини тасдиқловчи хужжатлар мажмуаси.

**3.2 буюртмачи:** Етказиб берувчидан тизим, дастурий маҳсулот ёки дастурий хизматни сотиб олаётган ёки олаётган ташкилот.

**3.3 АТ учун лойиҳа-смета хужжатлари:** АТни яратиш билан боғлик қурилиш-монтаж иўларини бажариш учун мўлжалланган хужжатлар.

**3.4 ишлаб чиқувчи:** Дастурий воситаларнинг ҳаётий цикли жараёнида ишлаб чиқиши (шу жумладан, талабларни таҳлил қилиш, лойиҳалаш, қабул қилиш синовлари) бўйича ишларни бажарадиган ташкилот.

**3.5 техник хужжатлар:** Қандайдир техник обьектлар: бинолар, иншоотлар, саноат товарлари, дастурий ва аппарат таъминотини лойиҳалаш (конструкциялаш), яратиш (тайёрлаш) ва фойдаланиш (эксплуатация қилиш)да фойдаланиладиган хужжатлар тўплами.

**3.6 АТ учун эксплуатация хужжатлари:** АТни созлаш, тестлаш ва эксплуатацияга киритиш ишлари бажарилишини таъминлаш, шунингдек қабул қилинган лойиҳа қарорларига мувофиқ тизимнинг эксплуатация қилиш характеристикалари даражасини қўллаб-куватлаш учун барча керакли ва етарли бўлган маълумотларни ўз ичига олган АТ учун хужжатларнинг бир қисми.

## 4 Умумий қоидалар

4.1 АТ учун хужжатларни ишлаб чиқиши буюртмачи ва ишлаб чиқувчи ўртасида шартнома тузилганидан кейин амалга оширилади.

4.2 АТ учун хужжатларни ишлаб чиқиши мақсадида танлов (тендер)нинг ўтказилиши давлат органларининг АТни яратишда мажбурий ҳисобланади. Бошқа ҳолларда танлов (тендер)ни ўтказиш талаби тавсия туслига эга.

4.3 АТни яратишнинг барча босқичларида ишлаб чиқиладиган хужжатлар рўйхати буюртмачи ва ишлаб чиқувчи ўртасида келишилган бўлиши керак.

4.4 Давлат органларининг АТни яратишда ишлаб чиқиладиган техник хужжатлар Низом [1] га мувофиқ экспертиза қилиш учун ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги ваколатли органнинг ишчи гуруҳига тақдим этилиши керак.

4.5 Давлат органларининг АТни яратишда ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета хужжатлари давлат экспертизасидан ўтказиш учун ШНК 1.03.06 [2] га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат қўмитасига тақдим этилиши керак.

## 5 Ҳужжатларнинг турлари ва номи

5.1 АТни яратишда 1-жадвалда келтирилган ҳужжатларнинг турлари ишлаб чиқилади.

### 1-жадвал

| Ҳужжат тури | Ҳужжат турининг белгиланиши | Ҳужжатнинг вазифаси  |
|-------------|-----------------------------|--|
| Қайднома    | В                           | Объектлар, предметлар ва ҳ.к.ни тартибга солинган кўринишда санаш  |
| Схема       | С                           | Ҳужжатлар шакллари, тизимнинг қисмлари, элементлари ва улар ўртасидаги алоқаларнинг шартли белгиланишлар кўринишидаги график тасвири |
| Йўриқнома   | И                           | Ҳаракатлар таркиби ва уларнинг ходимлар томонидан бажариш қоидаларининг баён қилиниши  |
| Асос        | Б                           | Қабул қилинаётган қарорларнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотларнинг баён қилиниши                                      |
| Тавсиф      | П                           | Тизим, унинг қисмлари ва уларнинг ишлаш принциплари ҳамда қўллаш шартлари вазифасининг тушунтирилиши                                 |

5.2 «Ахборотлаштириш обьектини тадқиқ қилиш» босқичида 2-жадвалда келтирилган ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

### 2-жадвал

| Яратиш босқичи                                     | Ҳужжат номи                         | Ишлаб чиқишнинг мажбурийлиги | Ҳужжат турининг белгиланиши |
|--|-------------------------------------|------------------------------|-----------------------------|
| АТни ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш               | Ҳисобот<br>(Тушунтириш хати)        | Зарур бўлганда               | П01                         |
| АТга қўйиладиган дастлабки талабларни шакллантириш | АТга қўйиладиган дастлабки талаблар | Мажбурий                     | Б01                         |

5.3 «АТни яратиш концепцияси» босқичида 3-жадвалда келтирилган ҳужжат ишлаб чиқилади.

### 3-жадвал

| Яратиш босқичи                        | Ҳужжатнинг номи         | Ишлаб чиқиш мажбурийлиги | Ҳужжат турининг белгиланиши |
|---------------------------------------|-------------------------|--------------------------|-----------------------------|
| АТни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш | АТни яратиш концепцияси | Мажбурий                 | П02                         |

5.4 «Техник топшириқ» босқичида 4-жадвалда келтирилган ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

#### 4-жадвал

| Яратиш босқичи                              | Ҳужжат номи                                    | Ҳужжат турининг белгиланиши | Ишлаб чиқиш мажбурийлиги | Қўшимча кўрсатмалар   |
|---|--|-----------------------------|--------------------------|---|
| Техник топширикни ишлаб чиқиш               | АТ учун техник топшириқ                        | Б02                         | Мажбурий                 | О‘зDSt 1987 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади  |
| АТ қисми учун техник топширикни ишлаб чиқиш | Тизим қисмлари учун хусусий техник топшириқлар | Б03                         | Зарур бўлганда           | О‘зDSt 1987 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади. ТТни алоҳида қуий тизимлар, вазифалар мажмуаси, дастурий-техник мажмуалар, техник ва дастурий таъминот компонентлари ва ш.к. сифатида ишлаб чиқишга йўл қўйилади. |

5.5 «Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб» босқичида 5-жадвалда келтирилган ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

#### 5-жадвал

| Яратиш босқичи                                       | Ҳужжат номи                                   | Ҳужжат турининг белгиланиши | Ишлаб чиқиш мажбурийлиги * | Қўшимча кўрсатмалар   |
|--|---|-----------------------------|----------------------------|---|
| Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш | Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (ДТИХ) | Б04                         | Зарур бўлганда             | Низом [3]нинг 3-иловасида келтирилган ДТИХ тузилмасига мувофиқ ишлаб чиқилади |
| Техник-иқтисодий ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш           | Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (ТИХ)            | Б05                         | Зарур бўлганда             | Низом [3]нинг 5-иловасида келтирилган ТИХ тузилмасига мувофиқ ишлаб чиқилади  |

\*«Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб» босқичи чиқариб ташланса, ушбу ҳужжат ишлаб чиқилмайди. Ушбу босқич бажарилса, кўрсатилган ҳужжатларнинг камидаги биттаси ишлаб чиқилиши керак

5.6 «Эскиз лойиҳаси» босқичида 6-жадвалда келтирилган хужжат ишлаб чиқилади.

#### 6-жадвал

| Яратиш босқичи               | Хужжат номи     | Ишлаб чиқиши мажбурийлиги | Хужжат турининг белгиланиши |
|------------------------------|-----------------|---------------------------|-----------------------------|
| Эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш | Тушунтириш хати | Зарур бўлганда            | П03                         |

5.7 «Техник лойиҳа» босқичида 7-жадвалда келтирилган хужжатлар ишлаб чиқилади.

#### 7-жадвал

| Яратиш босқичи   | Хужжат номи  | Ишлаб чиқиши мажбурийлиги | Хужжат турининг белгиланиши |
|--|--|---------------------------|-----------------------------|
| Техник лойиҳани ишлаб чиқиш  | Техник лойиҳа  | Мажбурий                  | Б06                         |
|  | Технологик йўриқномалар  | Зарур бўлганда            | И01                         |
| Лойиҳанинг ўзаро боғланган қисмларида лойиҳалаш топшириқларини ишлаб чиқиш | АТ лойиҳасининг ўзро боғланган қисмларида лойиҳалаш топшириқлари | Зарур бўлганда            | Б07                         |
| Кузатиш стратегиясини ишлаб чиқиш  | Кузатиш стратегияси  | Мажбурий                  | П04                         |

5.8 «Ишчи лойиҳа» босқичида 8-жадвалда келтирилган хужжатлар ишлаб чиқилади.

#### 8-жадвал

| Яратиш босқичи  | Хужжат номи     | Хужжат турининг белгиланиши | Ишлаб чиқиши мажбурийлиги | Қўшимча кўрсатмалар   |
|---|-----------------|-----------------------------|---------------------------|---|
| Дастурий ва эксплуатация қилиш хужжатларини ишлаб чиқиш | Спецификациялаш | П05                         | Мажбурий                  | ГОСТ 19.202 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Дастур матни    | П06                         | Мажбурий                  | ГОСТ 19.401 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Дастур тавсифи  | П07                         | Зарур бўлганда            | ГОСТ 19.402 ва O‘z DSt ISO/IEC 25051 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади |

## 8-жадвалнинг давоми

| Яратиш босқичи  | Хужжат номи  | Хужжат турининг белгиланиши | Ишлаб чиқиш мажбурийлиги | Кўшимча кўрсатмалар   |
|---|--|-----------------------------|--------------------------|---|
| Дастурий ва эксплуатация қилиш хужжатларини ишлаб чиқиш | Тушунтириш хати                                    | П08                         | Зарур бўлганда           | ГОСТ 19.404 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Қўллаш тавсифи                                     | П09                         | Зарур бўлганда           | ГОСТ 19.502 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Тилнинг тавсифи                                    | П10                         | Зарур бўлганда           | ГОСТ 19.506 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Эксплуатация қилиш хужжатлари қайдномаси           | В01                         | Зарур бўлганда           | ГОСТ 19.507 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Тизимни ўрнатиш йўриқномаси                        | И02                         | Мажбурий                 | -   |
|   | Оператор қўлланмаси                                | И03                         | Мажбурий                 | ГОСТ 19.505 ва О‘з DSt ISO/IEC 25051 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади |
|   | Тизим маъмури қўлланмаси                           | И04                         | Мажбурий                 | ГОСТ 19.505 ва О‘з DSt ISO/IEC 25051 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади |
|   | Дастурчи қўлланмаси                                | И05                         | Зарур бўлганда           | ГОСТ 19.504 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|   | Техник хизмат қўрсатиш бўйича қўлланма             | И06                         | Зарур бўлганда           | ГОСТ 19.508 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
| Қурилиш-монтаж ишлари                                   | Ускуна спецификацияси                              | В02                         | Мажбурий                 | -   |
|   | Техник воситалар мажмуаси нинг структурали схемаси | C01                         | Мажбурий                 | -   |

## 8-жадвалнинг охири

| Яратиш босқичи             | Хужжат номи                                       | Хужжат турининг белгиланиши | Ишлаб чиқиши мажбурийлиги | Қўшимча кўрсатмалар   |
|----------------------------|---|-----------------------------|---------------------------|---|
| Курилиш-монтаж ишлари      | Техник воситаларни эксплуатация қилиш йўриқномаси | И07                         | Мажбурий                  | -   |
|                            | Ускуна ва симларни жойлаштириш плани              | C02                         | Мажбурий                  | -   |
|                            | Авариявий сигнализация бўйича маълумотнома        | И08                         | Мажбурий                  | Ишга тушириш-созлаш ишлари учун ресурс смета нормаларининг 2-тўпламига [4] мувофиқ ишлаб чиқилади |
|                            | Ташқи симларни улаш ва ишга тушириш схемаси       | C03                         | Мажбурий                  | -   |
|                            | Техник воситалар мажмуаси нинг приципиал схемаси  | C04                         | Мажбурий                  | -   |
| АТнинг дастлабки синовлари | Дастлабки синовлар дастури ва методикаси          | И09                         | Мажбурий                  | ГОСТ 19.301 ва О‘з DSt ISO/IEC 25051 талаблари-га мувофиқ ишлаб чиқилади                          |
|                            | Синовлар протоколи                                | -                           | Мажбурий                  | -   |

5.9 «АТни ишга тушириш» 9-жадвалда келтирилган ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

## 9-жадвал

| Яратиш босқичи   | Хужжат номи   | Хужжат турининг белгиланиши | Ишлаб чиқиш мажбурийлиги | Кўшимча кўрсатмалар                            |
|--|---|-----------------------------|--------------------------|--|
| Ахборотлаштириш объектини АТни ишга туширишга тайёrlаш | Ишлар дастури   | -                           | Мажбурий                 | -  |
|  | Тизимни ишга тушириш ишларининг режа-жадвали                        | -                           | Мажбурий                 | -  |
|  | Ишларни ўтказиш тўғрисида бўйруқ                                    | -                           | Мажбурий                 | -  |
| Ахборотлаштириш объектини АТни ишга туширишга тайёrlаш | Қабул қилиш комиссиясининг таркиби тўғрисида бўйруқ                 | -                           | Мажбурий                 | -  |
| Ходимларни тайёrlаш                                    | Ўқув материаллари   | И10                         | Мажбурий                 | -  |
|  | Ўқитиш режаси   | -                           | Зарур бўлганда           | -  |
| Ишга тушириш-созлаш ишлари                             | Ишга тушириш-созлаш ишларининг бажарилганлиги тўғрисида далолатнома | -                           | Мажбурий                 | -  |
| АТ синов эксплуатациясини ўтказиш                      | Синов эксплуатация қилиш дастури                                    | -                           | Мажбурий                 | -  |
|  | Синов эксплуатацияси тугалланганлиги тўғрисида далолатнома          | -                           | Мажбурий                 | -  |
| Қабул қилиш тадбирларини ўтказиш                       | Қабул қилиш синовлари дастури ва методикаси                         | И11                         | Мажбурий                 | ГОСТ 19.301 талабларига мувофик ишлаб чиқилади |
|  | Синовлар протоколи  | -                           | Мажбурий                 | -  |
|  | АТни доимий эксплуатацияга қабул қилиш тўғрисида далолатнома        | -                           | Мажбурий                 | -  |

5.10 «АТни кузатиш» босқичида 10-жадвалда келтирилган ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

### 10-жадвал

| Яратиш босқичи                                  | Ҳужжат номи                    |
|---|--------------------------------|
| Кафолат мажбуриятларига мувофиқ ишларни бажариш | Носозлик тўғрисидаги талабнома |
|   | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| Кафолат муддатидан кейин хизмат кўрсатиш        | Хизмат кўрсатиш шартномаси     |
|   | Бажарилган ишлар далолатномаси |

## 6 Ҳужжатлар комплектлиги

6.1 Ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар номларининг рўйхати ва тизим ҳамда унинг қисмлари учун комплектлик АТ (куйи тизилар)ни яратиш учун техник топшириқда белгиланиши керак.

Курилиш учун лойиха-смета ҳужжатларининг комплектлиги қурилиш учун лойиха-смета ҳужжатлари тизимининг норматив ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

6.2 Ҳар бир комплект учун ҳужжатлар қайдномаси тузилган бўлиши керак.

6.3 Техник воситаларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қабул қилиш ва монтаж қилишни таъминловчи ҳужжатлар комплектлиги ГОСТ2.102 бўйича расмийлаштирилади. Ушбу воситалар учун эксплуатацион ҳужжатлар комплектлиги - ГОСТ 2.601 бўйича.

6.4 Дастурий воситалар учун ҳужжатлар комплектлиги ГОСТ 19.101 бўйича расмийлаштирилади.


6.5 Тизимнинг қисмини мустақил ишлаб чиқишида унинг учун ҳужжатлар ушбу стандарт талабларига мувофиқ комплектланади.

## 7 Ҳужжатларнинг белгиланиши

7.1 Ҳар бир ишлаб чиқилган ҳужжат мустақил белгиланиши керак. Турли маълумот ташувчиларда бажарилган ҳужжат бир хил белгиланиши керак.

7.2 Ўзлаштирилган ҳужжатларнинг олдинги белгиланишлари сақлаб қолинади.

7.3 Ҳужжатнинг белгиланиши 1-расмда келтирилган қуйидаги структурага эга.



1-расм. Хужжатларнинг белгиланиш структураси

7.4 Ташкилот коди (8 та белги) корхоналар ва ташкилотларнинг умумреспублика таснифлагичига мувофиқ берилади.

7.5 АТга шартли белгиланишни АТга буюртма берган буюртмачи томонидан берилади. АТ да ўн бештадан ортиқ бўлмаган ҳарф-рақамли белгилар бўлиши керак.

АТнинг шартли белгиланиши олдин турган белгидан нуқта орқали ажратилади.

7.6 Хужжат турининг белгиланиши битта ҳарф ва иккита рақамдан иборат бўлиб, 2-9-жадваллардаги 3-устунга мувофиқ қўйилади. Хужжат турининг белгиланиши олдин турган белгидан нуқта орқали ажратилади.

Агар 2-9-жадвалларнинг 3-устунида қиймат бўлмаса, хужжат турининг белгиланиши қўйилмайди.

7.7 Бир хил номдаги хужжатларнинг тартиб рақамлари (2 та белги) берилади ва олдинги белгиланишдан нуқта орқали ажратилади.

7.8 Хужжат қисмига иккинчисидан бошлаб рақам берилади (2 та белги) ва олдинги белгиланишдан дефис орқали ажратилади. Агар хужжат бир қисмдан иборат бўлса, хужжат қисмига рақам берилмайди.

**Мисол – 12345678.SISTEMA1.I01.03-02**

**Бу ерда:**

**12345678 – ташкилот коди;**

**SISTEMA1 – АТ шартли белгиланиши**

**I01 – хужжат турининг белгиланиши – Технологик йўриқнома**

**03-02 – учинчи технологик йўриқноманинг иккинчи қисми**

## **Библиография**

- [1] Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига 2-илова)
- [2] ШНК 1.03.06-13 Лойиҳа олди ва шаҳарсозлик ҳужжатларининг давлат экспертизасини ўтказиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг 2013 йил 30 сентябрдаги 96-сон буйруғи билан тасдиқланган)
- [3] Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорига 1-илова)
- [4] Ишга тушириш-созлаш ишлари учун ресурс сметали нормалар тўплами. 2-тўплам «Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари. Ёнғин автоматикаси ва қўриқлаш сигнализацияси» (Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 2 ноябрдаги 44-сон буйруғи билан тасдиқланган)

УЎТ 002:389.6

СУТ 35.080

Асосий сўзлар: ахборот тизимлари, техник топшириқ, хужжатлар, хужжатлар турлари ва номлари.

---

«UNICON.UZ» ДУК  
директори

Х.Хасанов

Дастурий маҳсулотлар  
илмий-тадқиқот  
бўлими бошлиғи

Д.Седухин

Норма назорати

М.Комилова

### КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлиги Электрон ҳукуматни жорий  
этиш ва давлат хизматларини  
ривожлантириш бош бошқармаси  
бошлиғи в.в.б.

Б.Угламов  
2017 йил 5 майдаги  
18-8/3134-сон хати

### КЕЛИШИЛГАН

Ахборот хавфсизлигини  
таъминлаш маркази  
биринчи директор ўринбосари

О.Мирзаев  
2017 йил 24 майдаги  
02-07-02/828-сон хати

### КЕЛИШИЛГАН

Алоқа, ахборотлаштириш  
ва телекоммуникация  
технологиялари соҳасидаги  
назорат бўйича давлат  
инспекцияси бошлиғи

Ф.Умарходжаев  
2017 йил 22 майдаги  
32-13/885-сон хати

### КЕЛИШИЛГАН

«UZINFOCOM» Компьютер ва  
Ахборот технологияларини  
ривожлантириш ва жорий этиш  
маркази давлат унитар корхонаси  
директор ўринбосари

Э.Ишимбаев  
2017 йил 23 майдаги  
23-8/877-сон хати